

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Son 7 Jild 4
2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 7 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Abduxamidov Islombek</i> O‘ZBEKISTON AHOLISINING ROSSIYA FEDERATSIYASIDA MEHNAT MUHOJIRLIGI TARIXI	10-18
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i> ПОДНЯТИЕ МЕТОДИКИ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ОБЩЕМИРОВОЙ УРОВЕНЬ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ	19-24
<i>Индиаминова Шоира Амриддиновна</i> РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА В САМАРКАНДСКОМ СОГДЕ В ЭПОХУ РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ	25-29
<i>Mirzakhdamova Dildora Zafarovna</i> XOTIN-QIZLAR BANDLIGINI TA‘MINLASHDA FARG‘ONA VILOYATIDA IPAKCHILK ORQALI KASANACHILIK VA UY MEHNATINI RIVOJLANTIRISH	30-35
<i>Ismoilova Parvina</i> TURKISTON MINTAQASIDAGI INSTITUTSIONAL O‘ZGARISHLAR: ROSSIYA KAPITALI UCHUN KANALLARNING SHAKLLANISHI (19-ASR OXIRI - 20-ASR BOSHLARI)	36-41
<i>Jomurodov Lazizbek Islomovich</i> O‘ZBEKISTONDA TERI-TANOSIL KASALLIKLARIGA QARSHI KURASH JARAYONI	42-46

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Назарова Раъно Рустамовна, Нигматуллаева Гульчехра Нуруллаевна</i> ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ, КРИТЕРИИ И ПОКАЗАТЕЛИ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ В СФЕРЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ	47-54
<i>Yegamberdiyeva Xurshidaxon Alisherovna</i> VAGONLARDAN FOYDALANISHNING SIFAT KO‘RSATKICHINI OSHIRISHNI TADQIQ QILISH	55-61
<i>Mamadaliyev Ulug‘bek</i> JAHON TURIZMIDA TUROPERATORLIK FAOLIYATINING RIVOJLANISH HOLATI	62-69
<i>Jalilov Arslon Xoshimovich</i> TEMIR YO‘L TRANSPORTINING INNOVASION MUHITDAGI RAQOBATDOSHLIK DARAJASINI BAHOLASH	70-75
<i>Kamchibekov Farxod Olimjonovich</i> O‘ZBEKISTON HUDUDLARINING INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA MAXSUS IQTISODIY HUDUDLAR VA KICHIK SANOAT ZONALARINING ROLI	76-82

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

<i>Djurayev Lukmon Narzullaevich</i> ZAMONAVIY O‘ZBEKISTON JAMIYATIDA YOSHLAR IQTISODIY MADANIYATINING TRANSFORMATSIYALASHUVI	83-87
---	-------

<i>Norkulov Ubaydulla Umarovich</i> MAHALLADA JINOYATLARNI ERTA ANIQLASHDA JAMOATCHILIK NAZORATINI KUCHAYTIRISHNING IJTIMOYIY-FALSAFIY MEKANIZMLARI	88-92
<i>Пулатов Шердор Нематёнович</i> ДОКТРИНА ЛЮБВИ АЛИШЕРА НАВАИ И МАХАТМЫ ГАНДИ	93-105
<i>Yusupov Murodali Sunnatovich</i> O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGIDA INNOVATSION TIZIMLARNI QO'LLASHNING IJTIMOYIY- FALSAFIY MASALALARI	106-110
<i>Suleymanov Sarvar Sunatullayevich</i> O'ZBEKISTONNING YANGI DAVRGA XOS BO'LGAN MA'NAVIY TEXNOLOGIYALARNING IJTIMOIY-FALSAFIY ASOSLARI	111-116
<i>Shernazarov Ravshan Avazovich</i> SIYOSIY E'TIQOD: UNING TIZIMI VA FUNKSIYASINING FALSAFIY TAHLILI	117-122
<i>Nasrullayev Ravshanxon Sirojxonovich</i> VATANPARVARLIKNI IJTIMOYIY- MADANIY HODISA SIFATIDA AHAMIYATI.....	123-126
10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
<i>Matkarimova Salomat Ko'ziyevna</i> ALISHER NAVOIY VA HAYDAR XORAZMIY: MUSHTARAKLIK VA O'ZIGA XOSLIK	127-133
<i>Tairova Maxfuza Abdusattorovna</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI MAMLAKATSHUNOSLIKKA DOIR RAMZIY VOSITALARNING TARJIMADA QAYTA IFODALANISHI	134-139
<i>Rahimova Maftuna</i> LISONIY BELGI VA ASSOTSIATSIYA	140-143
<i>Umaraliyeva Dildora Taxirjanovna</i> O'ZBEK LATIFALARI, ULARNING TASNIFI VA TO'PLASH BORASIDA OLIB BORILGAN TADQIQOTLAR	144-147
<i>Xursanov Nurislom Iskandarovich</i> O'ZBEK FRAZEOLGIK BIRLIKLARINING PRAGMATIK TAHLILI	148-154
<i>Umarov Umidjon Akram o'g'li</i> RAMZ AXRETIPLARINING TASNIFLANISHI VA BADIY TAHLILI	155-159
<i>Облоқулова Шахло Асрор қизи</i> ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ТАОМ ДИСКУРСИ	160-164
<i>Nazarova Lola Maqsadilla qizi</i> KORPUS LINGVISTIKASI: BNC KORPUSINING FUNKSIONAL XUSUSIYATLARI	165-170
<i>Umarxonova Dilafruz Murotjonovna</i> “MARDLIK” VA “QO'RQOQLIK” KONSEPTLARINING AKSIOLINGVISTIK TAHLILI	171-175
<i>Yunusova Ganjina Rustamovna</i> NAZMDA YO'L XRONOTOPINING BADIY-ESTETIK XUSUSIYATLARI	176-180
<i>Мусаев Файзулло Оманович</i> АРАБ ДУНЁСИДА “МАСАЛ” ИЛМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖИ	181-186

<i>Ubaydullayeva Dilafruz Fazliddinovna</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILIDAGI "ANGER" VA "G'AZAB" ATAMALARINING ETIMOLOGIK VA LEKSIKOGRAFIK TAHLILI	187-192
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR KOMPONENTLARI TAHLILI VA ULARNING STRUKTURAVIY MODELLARI	193-196
<i>Masharipova Nargiza Otaxonovna</i> TARIXIY-BADIIY ASARLAR TARJIMASIDA DINIY VA TARIXIY SO'ZLAR TARJIMASI MUAMMOSI	197-201
<i>Икромова Нугина Ойбековна</i> ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ТРУДНОСТИ ПЕРЕВОДА ЗАГЛАВИЯ ЛИТЕРАТУРНОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ	202-207
<i>Najmiddinova Mehriqul Najmiddin qizi</i> NEGATIVLIKNI IFODALOVCHI TEXNIKAGA OID TERMINLARNING QIYOSIY TADQIQI (INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA)	208-213
<i>Eshniyazova Maysara Beknazarovna</i> "NAZMUL JAVOHIR" ASARIDA G'OYAVIY BADIY POETIKA	214-221
12.00.00 – YURIDIK FANLAR	
<i>Саидов Ақром Акмалович</i> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ СИЁСАТИ ҲАМДА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	222-230
<i>Raimova Nargiza Doroyevna</i> TIJORAT MAXFIY MA'LUMOTLARINI HIMOYA QILISH: INTELLEKTUAL MULK HUQUQI SOHASIDAGI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI	231-237
<i>Умурзақов Жасурбек Қосимжанович</i> КРИПТО-АКТИВЛАР НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	238-242
<i>Nurmatatova Noila Doniyorovna</i> KONSTITUTSIYAVIY SUDLOV ORGANI TOMONIDAN FUQAROLAR VA YURIDIK SHAXSLARNING SHIKOYATINI KO'RIB CHIQUISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	243-248
<i>Muxammadjonov Jasurbek Jaxongir o'g'li</i> FUQAROLARNING TADBIRKORLIK BILAN SHUG'ULLANISH HUQUQINING XALQARO VA MINTAQAVIY HUQUQIY KAFOLATLARI	249-260
<i>Адилбаев Бекбосын Абатбаевич</i> FUQAROLIK-HUQUQIY ВАКИЛЛИК ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	261-267
<i>Турсунбоев Сардор Муроджон ўғли</i> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	268-275
<i>Mukumov Bobur</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA GERMANIYA FEDERATIV RESPUBLIKASIDA TOVAR BELGILARINI HUQUQIY MUHOFAZA QILISH MASALALARI	276-282
<i>Nabiev Firuz Xamidovich</i> INTELLEKTUAL MULK SOHASIDAGI XALQARO HUQUQIY NORMLARNI O'ZBEKISTON	

RESPUBLIKASI QONUNCHILIGIGA IMPLEMENTATSIYA QILISHDA “MOSLASHUVCHANLIK” KONTSEPTSIYASINING O’RNI	283-289
---	---------

Калимбетов Ерназар

ГРАЖДАНСКИЕ ПРАВА В СФЕРЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА: ПОНЯТИЕ, ВИДЫ И СОДЕРЖАНИЕ В КОНТЕКСТЕ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ	290-297
--	---------

Ibrohimov Azimjon Abdumotamin o'g'li

KORPORATSIYANI AMALDA BOSHQARUVCHI SHAHSLAR JAVOBGARLIGI	298-306
--	---------

Ходжаева Ширин

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ РИСКОВ, СВЯЗАННЫХ С ПРЕДДОГОВОРНЫМИ ОТНОШЕНИЯМИ	307-317
--	---------

Маматкулов Камолiddин Галабаевич

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНУВЧИ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	318-323
---	---------

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Nazarova Ra'no Sidiq qizi

HUQUQBUZARLIKKA MOYIL BO'LGAN BOLALARDA O'Z-O'ZINI NAZORAT QILISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	324-329
---	---------

Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTAB O'QITUVCHISI KASB STANDARTINING MAZMUN TAHLILI	330-341
--	---------

Hamidova Laylo Kamildjonovna

OLIV PEDAGOGIK TA'LIMDA ARALASH O'QITISH MODELLARIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI	342-346
---	---------

Ajiniyazova Sholpan Saparniyazovna, Uteniyazov Karimbay Kuanishbaevich

MAKTABDA KIMYOVIY MASALALARNI ECHISH BO'YICHA MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETISH SHAKILLARI	347-357
---	---------

Rasulova Dilafruzxon Sharobiddin qizi

GLOBAL PEDAGOGIK SAVODXONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA TALABALAR KOMPETENSIYASIGA METODIK YONDASHUVLAR	358-363
--	---------

Kenjaboyev Sharifjon Shuxrat o'g'li

INDIVIDUAL-KABIY RIVOJLANISH – PEDAGOGLIK KASBI TARBIYASINING AJRALMAS QISMI SIFATIDA	364-369
--	---------

Jalilov Umidjon Jahongirovich

OG'IR ATLETIKA MASHQLARINING AMALGA OSHIRISH USLUBIYATI	370-375
---	---------

Najmiddinova Gulnora Najmiddin qizi

OLIV TA'LIM TIZIMIDA SUN'IY INTELLEKT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MEXANIZMLARI	376-381
--	---------

Received: 30 June 2024
Accepted: 5 July 2024
Published: 15 July 2024

Article / Original Paper

PROBABLE CIRCUMSTANCES AND THEIR SIGNIFICANCE IN THE INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO THE CULTIVATION OF ILLICIT CROPS

Kamoliddin Mamatkulov Galabaevich

Independent researcher at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article discusses evidentiary circumstances and their significance in the investigation of crimes related to the cultivation of illicit crops. Criminological characteristics of crimes related to the cultivation of illicit crops as an assistant in cases proven during preliminary and judicial investigations, a system of sources disseminating information about the crime committed, its signs and some elements of evidentiary value, object, task. The party, subject and subjective side of the crime are highlighted, as well as the circumstances of the crime that characterize its perpetrator.

Keywords: Illicit crops, investigation, crops, plants, cultivation containing drugs drugs or psychotropic substances

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНУВЧИ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Маматкулов Камолиддин Галабаевич

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги академияси мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация. Ушбу мақолада тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда исботланувчи ҳолатлар ва уларнинг аҳамияти. Тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи дастлабки ва суд тергови жараёнида исботланувчи ҳолатларга нисбатан ёрдамчи сифатида, содир этилган жиноят, унинг белгилари ва айрим элементлари ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот тарқатувчи манбалар тизимини, жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони ҳамда жиноятни содир этган шахсни тавсифловчи ҳолатлар ёритилган.

Калит сўзлар: Тақиқланган экинлар, тергов, таркибида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинлар, экиш, етиштириш.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I7Y2024N48>

Тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи дастлабки ва суд тергови жараёнида исботланувчи ҳолатларга нисбатан ёрдамчи сифатида, содир этилган жиноят, унинг белгилари ва айрим элементлари ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот тарқатувчи манбалар тизимини ташкил этади. Бу маълумотлар жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони ҳамда жиноятни содир этган шахсни тавсифловчи

ҳолатларга тааллуқлидир. Шу сабабдан исботланувчи ҳолатлар тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифини ўзида акс эттириб, келгуси тергов жараёнини белгилайди ва пировард натижада исбот қилиш предметини вужудга келтиради.

Тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда исботланувчи ҳолатлар ва уларнинг аҳамияти муҳим касб этади. А. И. Дворкин ушбу тоифадаги ҳолатлар юзасидан қуйидаги фикрларни билдиради: жиноят объекти, объектив томон, жиноят предмети, субъекти, субъектив томон, бошқа ҳолатлар, жавобгарликни оғирлаштирувчи, жавобгарликни енгиллаштирувчи, жиноятни содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва омиллар. [1;556-558]. Бизни фикримизча шу боис жиноят ҳуқуқининг бу турдаги жиноятларга қарши курашишни тартибга солувчи нормаси таркибига, жиноят процесси фанининг исбот қилиш доираси ва предметига асосланган ҳолда, дастлабки ва суд терговида исботланувчи ҳолатлар тизими белгиланади. Буларга қуйидагилар киради:

— тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноят ҳодисаси (вақти, жойи, жиноятни содир этиш ва унинг оқибатларини яшириш усуллари) ва жиноий тажовуз предмети;

— тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахснинг айбдорлик даражаси ва бошқа шахсларнинг бу жиноятга алоқаси;

— тақиқланган экинларни тури, ҳажми ҳамда унинг жиноятни квалификация қилишга бевосита таъсири;

— тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши мумкинлигини белгиловчи оралиқ ҳолатлар;

— тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи ҳолатлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган дастлабки икки ҳолат тадқиқ этилаётган муаммонинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини очишга имкон беради, яъни биринчи ҳолатни исботлаш жиноятнинг объекти ва объектив томони бор ёки йўқлигига оид масалани ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлса, иккинчи ҳолат эса унинг субъекти ва субъектив томонларини аниқлатади. Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган ҳар икки ҳолатни исботлаш, умуман наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар таркиби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш имконини беради.

Энди исботланиши шарт бўлган ҳолатларни бирма-бир кўриб чиқамиз. «Жиноят ҳодисаси» тушунчаси жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга зид ҳолда наркотик воситалар ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш хатти-ҳаракатлари натижасида рўй берган ижтимоий ҳодиса сифатида таърифланади. [2;10 бет]

Бизнинг фикримизча, ушбу тушунча ўрганилаётган жиноятнинг турдош объекти ва объектив томонини акс эттирувчи белгиларни ўзида мужассамлаган.

Тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг бевосита объекти инсонларнинг соғлиғи, ҳаёти ва ижтимоий аҳволидан иборат. Чунки истеъмол қилинган наркотиклар инсоннинг физиологик ва руҳий ҳолатига кучли таъсир кўрсатиш ва уни издан чиқариш хусусиятига эга. Ваҳоланки, сурункали истеъмол қилинган захри қотил инсоннинг соғлиғини заифлаштиради, охир-оқибатда уни ўлим

ёқасига етаклайди. Яна улар инсонни ижтимоий таназзулга олиб келади. Гиёҳванд шахс иш жойини йўқотади, қашшоқлашади ва оилани барбод қилади. Шу сабабдан бу турдаги жиноятлар кўп объектли бўлиб, инсоннинг саломатлиги асосий бевосита объектлар жумласига кирса, ҳаёти эса кўшимча бевосита объектдир. Ўз навбатида, унинг ижтимоий аҳволи факультатив бевосита объект ҳисобланади.

Ж. Қозихўжаев, М. Ибрагимов[3: 11-б] ва С.В. Войсеховская, Г.И. Грамович, Л.Н. Калининич, Н.И. Николайчик, Н.И. Порубов, Е.И. Радченко, Г.А. Ярош каби тадқиқотчи олимлар сингари[4: 45-46 б] бизни фикримизча, жиноятнинг объектига боғлиқ исботланадиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- тақиқланган экиннинг тури;
- тақиқланган экин етиштирилган жой;
- тақиқланган экинни қайта ишлаш орқали олинадиган наркотик воситанинг миқдори;
- тақиқланган экиндан олинган наркотик воситанинг хусусияти ва инсон организмига таъсир этиш даражаси;
- наркотик восита ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш туфайли инсон организмида юзага келган патологик ўзгариш: соғлиғининг заифлашиши, хотира ва мушоҳада қобилиятининг пасайиши, тажовузкорлик ҳаракатларининг пайдо бўлиши ва вафот этиши;
- наркотик восита ва психотроп моддаларни истеъмол қилган шахснинг ижтимоий таназзулга учраши.

Жиноятни содир этиш ва унинг оқибатларини яшириш усули аниқланган тақдирдагина жиноят ҳодисаси исботланган деб ҳисобланиши мумкин. Чунки бу ҳол содир этилган жиноятнинг механизмини, шу билан бирга далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнларини аниқлаб беради. Жумладан, у нарко-жиноят объектив томонининг ажралмас таркибий қисмини ташкил қилади. Айнан шу усуллар жинойий хатти-ҳаракатларни ифодаловчи ҳолатларнинг қуйидаги тизимини белгилайди:

1) тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўриш (жиноят содир этишни режалаштириш, наркотикларни тайёрлаш, олиш ва сотиш манбаларини ўрганиш, жинойий гуруҳ таркибини аниқлаш ва улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, жиноят қуролларини шайлаш, ҳимоя буферларини белгилаш);

2) тақиқланган экинларни етиштириш усуллари (очиқ майдонда, иссиқхонада, уларнинг турлари, уларни қачон, қаерда ва ким тайёрлагани);

3) наркотик восита ва психотроп моддаларни олиш усуллари (таркибида наркотик моддалар бўлган экинлар етиштирилган жойларда ҳосилни йиғиш, сотиш, қарзга олиш, қимматбаҳо нарсаларга айирбошлаш ва шу кабилар);

4) жиноят қуролларининг турлари (уй-буюм жиҳозлари, тақиқланган экинларни етиштириш учун кимёвий моддалар ва ҳоказо);

5) наркотик восита ва психотроп моддаларни тайёрлашда уларнинг таркибига кирувчи моддаларнинг (реактив ва бошқа кимёвий моддалар) турлари, миқдори ва уларни олиш манбалари;

6) наркотик восита ва психотроп моддаларни сотиш манбалари (қачон, қаерда, ким сотиши, сотиш усули, ҳажми, хариддорнинг шахси, наркотик сотиб олишдан кўзлаган мақсади);

7) тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг оқибатларини яширишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (тақиқланган экин етиштирилган майдонларни қарияларга тегишли қилиб кўрсатиш, наркотикларни ташиш учун хуфия жойлар тайёрлаш, , жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бирини лақаби билан аташ, пора эвазига ҳимоя буферларидан фойдаланиш).

Айнан кўрсатиб ўтилган ҳолатларни чуқур ўрганиш натижасида ушбу жиноятларни содир этиш ва оқибатларини яшириш усулларини аниқлаш ва жиноят ҳодисаси ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот манбаларини топиш имконияти юзага келади.

Юридик адабиётда [5;62 бет] жиноят содир этиш жойи ва вақти унинг объектив белгисининг қўшимча ҳолатлари сифатида ифодаланади. Ҳолбуки, бу ҳолатлар исботлаш назариясида жиноят ҳодисасининг ажралмас қисми ҳисобланади.[6; 48 бет] Ваҳоланки, мазкур ҳолатлар жиноят ҳуқуқи нуқтайи назаридан тадқиқ этилаётган муаммода аксарият наркожиноятларнинг квалификациясига таъсир этмайди, балки улар содир этилган жиноятнинг у ёки бу фактлари ишончли эканлиги ҳақида маълумот олишда ёрдам беради.[7;270-модда]

Наркожиноят содир этган ҳамда унга алоқадор шахсларнинг айбдорлигига доир ҳолатларни тадқиқ этишда биз қуйидаги саволларга жавоб олишимиз керак:

- наркожиноятларни ким содир этган?
- наркожиноятларга алоқадор шахсларнинг сони қанча?
- содир этилган наркожиноятда ҳар бир алоқадор шахснинг ўрни қандай?
- улардан ҳар бирининг айбини ифодаловчи жиноий хатти-ҳаракатлар таснифи қандай?

Бу саволларга жавобларни наркожиноятларнинг субъекти ва субъектив томонига хос хусусиятларни очиш орқали олишга ҳаракат қиламиз.

Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ; ноқонуний ҳаракатларни тергов қилиш жараёнида, жиноят субъектининг ўзига хосликларини эътиборга олиш зарур: қатор ҳолатларда айбдор шахснинг ўзи гиёҳванд моддаларга нисбатан кўникмага эга ҳолда гиёҳвандлик касаллигига чалинган бўлади.Гиёҳвандлик эса, ўз навбатида, муайян оқибатлар келтириб чиқаради, мазкур оқибатлар тергов жараёнида (гиёҳвандларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, тергов экспериментлари ҳодиса жойига чиқиш) эътиборга олиниши шарт.[8;12бет]

Тадқиқ этилаётган наркожиноятларнинг субъектив томонини тўғри қасд, қонунга хилоф равишда эгалланган наркотик воситалар ва психотроп моддаларни ўтказиш йўли билан ўзига, шунингдек бу жиноятнинг бошқа иштирокчилари ва ўзга шахслар фойдасига ғайриқонуний сарфлашдан иборат ғаразли мотивлар ташкил қилади. Бундай мотивлар наркожиноят таркибидаги субъектив томоннинг зарурий белгисидир. Улар тажовуз этувчи шахсларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, икки турга бўлинади:

1) наркожиноятларни содир этувчи шахсларнинг мулкый манфаатларидан келиб чиқадиган ғаразли мотивлар:

— бировнинг меҳнати билан етиштирилган ва таркибида наркотик модда бўлган маҳсулотни сотиш эвазига катта фойда олишга интилиш;

— пул маблағлари ёки моддий бойликлар тўплашга уриниш;

2) наркожиноятларни содир этувчиларнинг шахсий манфаат-ларидан келиб чиқадиган ғаразли мотивлар:

— наркобизнес туфайли орттирилган маблағлар эвазига турмуш шароитини яхшилашга ҳаракат қилиш (уй-жой, дала ҳовлилар қуриш, енгил автомобиллар, зебзийнат буюмлари сотиб олиш ва ҳ.к.);

— ижтимоий мақомини яхшилашга уриниш, яъни наркобизнес йўли билан орттирилган маблағ эвазига юқори лавозимга эришиш.

Наркожиноят субъектига назар ташласак, у қуйидаги таърифга эга. Ақли расо, 16 ёшга тўлган, алоҳида белгиси бўлмаган ёки наркотик восита ва психотроп моддаларга нисбатан муайян ваколатларни амалга оширадиган, жиноят қонунида назарда тутилган наркожиноятларни ғаразли мақсадларда қасддан содир этган шахс бундай жиноятнинг субъекти сифатида тушунилади. Амалда бу каби наркожиноят субъекти 16 ёшдан анча катта бўлади.

Субъект билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этганда наркожиноятларнинг ҳар бир иштирокчиси содир қилинган жиноятда қандай ўрин тутишини (ташкilotчи, далолатчи, ёрдамчи, ижрочи ва у билан бирга бажарувчи эканлигини) аниқлаш зарур; наркожиноят ташкilotчилари ва уларнинг иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар (ижтимоий-демографик, физиологик, психологик ва криминологик); ҳар бир иштирокчининг жиноят содир этилишидан аввалги ва кейинги турмуш тарзи; наркожиноят содир этувчиларнинг жинoий фаолият давомида тўплаган мулки ва бойликлари ҳақидаги маълумотлар, улар жойлашган ер участкаси кимники эканлиги, наркожиноятларни содир этганларнинг ушбу шахслар билан қариндошлик ва бошқа алоқалари; шунингдек наркожиноятларни содир этган шахсларнинг айбини оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар [9; 55-56-моддалар]. Айнан ушбу ҳолатларнинг аниқланиши наркожиноятларни содир этган шахсларнинг айбдорлиги ҳақидаги масалани судда ҳал қилиш учун асос бўлади.

Тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг жинoий хатти-ҳаракатини квалификация қилишда наркотикларнинг миқдор кўрсаткичи катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва бошқа қонун ости ҳужжатларида алоҳида қайд этилган бўлиб, улар «озгина», «озгинадан кўпроқ» ва «кўп» миқдорда деб аталади. Тақиқланган экинларни етиштирган шахсларнинг жинoий хатти-ҳаракатларини квалификация қилишда эса ўртача катталиқдаги ва катта экин майдонлари иборалари қўлланилган.[10:3,16-бандлари]

Мазкур наркожиноятларни тергов қилиш етарлича тўлиқ бўлиши учун оралиқ ҳолатларни аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки айнан улар наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этилганлигини аниқлаш имконини беради. Бундай ҳолатларга қуйидагилар киради:

Олий суд пленум қарори кўрсатмаларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан жинoий жавобгарликка тортиш учун тақиқланган экин майдонининг ҳажми 250 кв. м ни ташкил этиши таъкидлаб ўтилган.

Наркожиноятларнинг содир этилишига имкон берадиган ҳо-латларга ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитлар киради.

Объектив шарт-шароитларни қуйидагилар ташкил этади:

— таркибида наркотик моддалар бўлган айрим турдаги экинларни ноқулай шароитларга эга минтақаларда етиштириб бўлмаслиги;

— айрим мамлакатлардаги гиёҳвандларнинг наркотик воситаларга бўлган эҳтиёжларининг бошқа мамлакатлардагига нисбатан юқори даражада эканлиги;

— наркотик воситаларга талабнинг жинойий таклифдан ортиқлиги.

Субъектив шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

— жинойий гуруҳ, уюшма аъзоларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг айрим вакиллари билан қўшилиб кетиши ёки истеъфога чиққан шундай ходимларнинг маслаҳатчи сифатида уларга ёлланиши.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Шундай қилиб, биз юқорида тадқиқ этган ҳолатларни дастлабки тергов ва суд тергови мобайнида аниқлаш ва уларни исбот қилиш орқалигина наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар очилган ҳамда шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминлаш ва адолатли жазо ҳукмини чиқаришга асос бўлади. Адолатли суд ҳукми жамиятда давлатни эртанги кунига ишонч бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Dvorkin A.I. Giyohvand moddalar bilan bog'liq jinoyatlarni tergov qilish. // Tergovchi uchun qo'llanma. T. 2. M. 1990 b. 541-545. 66
2. Қозиходжаев Ж. Х., Ибрагимов М. О. Наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Ўқув-амалий қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – 10 б.
3. Қозиходжаев Ж. Х., Ибрагимов М. О. Наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Ўқув-амалий қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – 11 б.
4. Voitsexovskaya S.V., Gramovich G.I., Kalinkovich L.N., Nikolaichik N.I., Porubov N.I., Radchenko E.I., Yarosh G.A. Giyohvand moddalar bilan noqonuniy operatsiyalarni tekshirish metodikasi. Minsk. 2003. .45-46 b.
5. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. — Т., 2005. — 115-бет; Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. — Т., 1998. — 62-бет.
6. Миренский Б. А., Асамутдинов А. Х. ва бошқалар. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари. — Т., 2003. — 48-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси -Тошкент “Адолат” 2022 йил 34 –бет.
8. Бабаджанов, Б.Гиёҳдандлик ҳамда заҳарланиш билан боғлиқ жиноят ишларни тергов қилиш [Матн]:услубий қўлланма! -Тошкент: "SAHHOF" нашриёти, 2021. - 12 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси -Тошкент “Адолат” 2021йил 243 –бет.
10. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2017-yil 28-apreldagi 12-sonli “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishga oid jinoyat ishlari bo'yicha sud amaliyoti to'g'risida”gi qarorining 3, 16-bandlari.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 7 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).